ЎзССР Давлат китоб палатаси 28 0 295

Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 21 февраль, сешанба №23 (21.786.) Сотувда эркин нархда.

# УЧРАШУВЛАР, МУЗОКАРАЛАР, САМАРАЛАР

## Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига ташрифи якунларига доир





Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз расмий делегациясининг хорижга яна бир давлат ташрифи ортда қолди. Илгари хабар берилганидек, у шу йилнинг 15—17 февраль кунлари Корея Республикасида бўлган эди.

Президентимизнинг Сеул сафари икки мамлакат ўртасида юксак суръатларда ривожланиб бораётган ўзаро тенг ҳамкорлик алоқаларининг келажаги порлоқ эканини яна бир карра намоён этди. Икки мамлакатнинг ўхшаш томонлари кўп, интилиш чўққилари уйғун. Сеулда кечган барча музокараларда, учрашувларда, имзоланган ҳужжатларда бу алоҳида таъкидланди. Икки давлат — икки халқнинг ҳам мақсади бир — XXI асрга энг ривожланган мамлакатлар сафида қадам қўйиш. Дунёдаги барча давлатлар билан ўзаро тинчлик, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, ўзга мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик...

Булар албатта, ўхшашликнинг сиёсий жиҳатлари. Оддий фуқаролар ҳаётини муқояса қилиб кўрилса ҳам, бундай ўхшашликлар кўп учрайди. Кореяликлар ҳам ўзбеклардек меҳнаткаш, сабр-бардошли, ерпарвар, элпарвар, болажон халқ. Аслида бу икки қадимий халққа мансуб ўхшашликларни санаб ўтиришга ҳожат бормикин. Корейс миллатига мансуб кишиларни биз, ўзбекистонликлар бугун кўраётганимиз йўқ — улар билан неча ўн йиллардан буён бир мамлакатда турмушнинг аччиқ-чучугини бирга татиб келмоқдамиз. 30-йилларда Сталин қатағонига учраган минглаб корейслар Ўзбекистондан паноҳ топган эдилар. Улар бугун 200 минг кишилик катта бир элатга айланганлар. Ерли халқ билан биродарлашиб, иноқлашиб кетдилар. Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг уларнинг имкониятлари янада кенгайди — ўз миллий маданияти, урф-одатлари, анъаналарини нафақат сақлаб қолиш, балки ривожлантириш учун кенг шароит яратилди.

— Сталин қатағонида биз, минглаб корейслар ўлимга маҳкум этилгандик, — деб эслайди машҳур олим, тарих фанлари доктори, Ўзбекистондаги корейс миллий-маданий марказлари уюшмасининг раиси Пётр Ким. — Ўшанда бу қирғиндан бизни бағри кенг ўзбек халқи сақлаб қолди. Бизга жой берди., нон-туз берди. Биз бу юртда ўсдик-ундик. Энди, Ватанимиз — Ўзбекистон мустақилликка эришиб, буюк давлат қуришга киришган экан, Корея унинг ишончли ҳамкорига айланганини кўриб, чексиз қувонаяпман.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг тезкорлик билан ривожланаётгани боиси фақат шуларгина десак нотўғри бўлур эди.

... Сеулдаги муҳташам «Шелла» меҳмонхонасига ҳали киришга улгурмасдан, Ўзбекистон расмий делегацияси аъзолари ҳар ерда ҳозиру нозир ҳамкасбларимиз — журналистлар қуршовида қолди. Мухбирлар «таъқиби»дан, ҳатто, биз журналистлар ҳам қочиб қутила олмадик.

— Нега Ўзбекистон билан Кореянинг муносабатлари кутилмаганда бунчалик тез ривожланиб кетди, — дейди улардан бири. — Нега Жанубий Корея бутун МДҲ мамлакатларига 100 миллион долларлик сармоя киритади-ю, Ўзбекистоннинг ўзига 80 миллион доллар сарфлайди? Ҳали автомобиль заводига, ҳали электротехника заводига ҳеч иккиланмай миллион-миллион маблағ ажратади. Нега корейс ишбилармонлари, масалан, Россияга сармоя киритишга бунчалик шошилмаяптилар?

Қизиқувчан ҳамкасбимиз билан танишдик — Москвадаги «Новости» ахборот агентлиги мухбири Сергей Кудасов экан. Жавоб қилдик:

— Бунинг сабаби Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталигу чет эл сармояси учун яратилган энг қулай шароитда. Баъзи бир республикаларда бўлаётгани каби одамлар бир-бирига ўқ узиб, қон тўкаётгани йўқ... Биз ишлаяпмиз. Тадбиркорлар аҳли эса, биласиз, тинчлик-хотиржамлик, меҳнат ва фойдага кафолат бор жойга боради.

— Албатта, — деди ҳамкасбимиз, жиндек ҳижолат чекиб, — бу жиҳатдан сизларга ҳавас қилса арзийди. Уч йилда халқаро миқёсда кўп ишлар қилдилар ингиз. Буни бутун дунё кўриб турибди. Яна уч-тўрт йилда нималарга эришишларингизни тасаввур этиш қийин эмас. Ислом Каримовга «Мугунхва» орденининг берилиши ҳам бежиз эмас экан-да.

Очиғини айтганда, ҳамкасбимизнинг бу гапларида нафақат ҳавас, жиндек ҳасад ҳам йўқ эмасди. Эртаси куни эса ростдан ҳам Президент Ислом Каримовга Корея Республикасининг энг олий нишони — «Мугунхва» катта ордени тантанали равишда топширилди.

«Мугунхва» — Жанубий Корея 1948 йил 15 августда — Республика деб эълон қилингач, таъсис этилган илк олий нишон. Субҳидам бокиралиги юрти мустақилликка эришганидан сўнг дунёдаги икки юзга яқин мамлакат билан дипломатия алоқалари ўрнатганига қарамай, бу олий нишонга саноқли давлат раҳбарлари сазовор бўлди. Шу қисқа рўйхатдан Ўзбекистон Президентининг жой олиши — аввало икки мамлакат ўртасидаги яхши муносабатларнинг, бир-бирига ишончнинг белгиси. Айни пайтда бу — республикамиз раҳбари юритаётган доно ички ва ташқи сиёсатнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи.

Президент Ислом Каримовнинг Сеулга сафари бош мавзуси — иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўлди. Ташриф чоғида ўндан зиёд учрашув ва музокаралар бўлиб ўтди ва уларнинг амалий натижаси ўлароқ, еттита ҳужжат имзоланди. Бугун уларни яна бир карра номма-ном эслаб ўтиш жоиздир. Зеро, уларнинг ҳар бири Ўзбекистон — Корея муносабатларининг янада кенгайишида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Мана улар: Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида қўшма баённома (уни икки мамлакат Президентлари) имзоладилар. Икки республика ҳукуматлари ўртасида қишлоқ хўжалиги, телекоммуникация ва радиоэшиттириш, таълим, сайёҳлик соҳаларидаги ўзаро англашмалар меморандумлари. Ташқи ишлар вазирлари А. Комилов ва Гон Ро Мьянг икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаларининг илмий-техник ҳамкорлиги борасидаги дастурга ҳам имзо чекдилар. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Кореянинг «Иксченж Бэнк»и ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

И. Каримов шарқий тақвим бўйича, яқиндагина янги йилни кутиб олган Кореяга ташриф буюрган биринчи давлат раҳбари бўлганида ҳам ўзига хос маъно бор.

— Ўтган йили Ўзбекистонда бўлганимда, — деди Корея Президенти Ким Ен Сам, — мамлакатингизда босқичма-босқич амалга оширилаётган демократиялаштириш ва иқтисодий ислоҳотлар жараёни менда чуқур таассурот қолдирди. Шу боис, мен мамлакатларимиз ўртасида муттасил ривожланаётган ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ҳам астойдил кузатиб боряпман. Ўтган қисқа муддат мобайнида эса талай ишлар амалга оширилди.

Ким Ен Сам жанобларининг эътироф этганича бор. Икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилгандан буён талай ишлар қилинди. Жумладан, Ўзбекистон билан Кореяни боғловчи ҳаво йўли очилди. Бугун «ДЭУ» корпорациясида ишлаб чиқарилган енгил машиналар, бежирим автобуслар, телевизор ва электроникага оид бошқа аппаратуралар ўзбекистонликларга яхши таниш. Андижоннинг Асака шаҳрида шитоб билан қурилаётган «ЎзДЭУавто» заводи эса, келгусида икки юз минг донагача автомобиль ишлаб чиқаради. Кореянинг «Самсунг», «Лаки голд стар» каби компаниялари ҳам Ўзбекистонда фаол ҳаракат қилмоқда. 1993 йили икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ 83 миллион долларни ташкил этган бўлса, бу рақам ўтган йилнинг 11 ойи мобайнида салкам 200 миллионга етди. Кореяликларда Ўзбекистонга, ўзбек ишбилармонларида эса кореялик ҳамкасбларига нисбатан мустаҳкам ишонч пайдо бўлди.

Ўзбекистон раҳбарининг Сеул сафаридан сўнг ўзаро ҳамкорликка оид қандай ўзгаришлар рўй беради? Бу саволга юқорида зикр этилган ҳужжатларнинг номидан ҳам жавоб топиш мумкин. Аммо шу ўринда И. Каримов кореялик ишбилармонлар билан ўтказган учрашув ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Учрашувда Кореянинг кичик бизнес, ташқи савдо, саноат уюшмалари, савдо-саноат палаталарининг раҳбарлари иштирок этди. Бўлиб ўтган самимий суҳбат чоғида Президентимиз Ўзбекистоннинг кенг иқтисодий имкониятлари ҳақида сўзлади. Мамлакатимизда, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлаб ўтди. Бу йил Ўзбекистонда 60 мингдан зиёд янги кичик корхона очилиши кўзда тутилмоқда. Зеро, жаҳон иқтисодиёти тараққиётига разм солинса, бунда кичик ва ўрта бизнеснинг алоҳида ўрни борлиги аён бўлади. Узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Жанубий Кореяда тайёрланаётган 70 фоиз маҳсулотни ана шу соҳа корхоналари бермоқда. Кичик ва ўрта корхоналарни қуриш, зарур бўлганида қайта жиҳозлаш, ишчи кучи, хом ашё ва маблағ билан таъминлаш анча осон.

Ислом Каримовнинг ишбилармонлар билан ўтказган учрашувлари жуда самимий ва савол-жавобларга бой бўлди. Айниқса, Ўзбекистонда чет эл сармояси учун яратилаётган шароит ҳақида гап кетганида, тужжорлар Президентимизнинг гапини бир неча бор қарсаклар билан қаршиладилар. — Ўзбекистон хорижий сармоядорлар учун жаннатга айланмоқда, — деди кореялик ишбилармонлардан бири. — Ахир ўзингиз ўйланг: корхона беш йил мобайнида солиғу божлардан озод қилинса. Бунинг устига барча ишларга шахсан мамлакат Президенти бош-қош, кафил бўлиб турса. Хориж сармояси учун бунчалик кенг имтиёз яратилган бошқа мамлакатни эслай олмайман.

Бу гапнинг исботи ўлароқ кўплаб ишбилармонлар ўша учрашувдаёқ Ўзбекистонга бориб, қўшма корхона ташкил этиш ниятларини маълум қилдилар.

Эрта-индин шаҳар-қишлоқларимизда янгидан-янги корхоналар иш бошласа ажабмас. Корея тупроғида бизнинг кўнглимизни тоғдек кўтарган бир воқеа — маҳаллий ишбилармонларнинг тағин бир эътирофи бўлди. Уларнинг айтишича, Ўзбекистондан Кореяга келиб ишлаётган, ўқиб, тажриба орттираётган йигит-қизларимиз савия, ишбилармонлик, билим ва куч-ғайратда кореялик тенгдошларидан ҳеч қолишмайди. Ҳатто баъзи жиҳатлар бўйича улардан устун ҳам келишмоқда. Бу эътироф умид туғдиради ки, илғор технология, мураккаб машиналар билан «тиллашиш» фақат хорижликларга хос эмас. Уларни ўзбек йигит-қизлари ҳам маҳорат билан бошқариши мумкин ва лозим. Шу боис бўлса керак, Ўзбекистон Президентининг Сеул сафари чоғида имзоланган ҳужжатларда ўзбекистонлик ёшларга Кореяда илм ва иш ўргатиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, шу йилнинг ўзида бир ярим мингга яқин йигит-қиз касб маҳоратини ошириш учун Кореяга жўнаб кетади.

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари сафидан жой олишга ҳаракат қилаётган Корея республикаси тажрибасини ўрганишимиз ва ижобий фойдаланишимиз мумкин бўлган жиҳатлари талайгина. Шу ўринда яна бир воқеани эслаб ўтиш фойдадан ҳоли эмас. Корейс дўстларимиздан бири айтди: биз бу тараққиётга бир кун ёки бир йилда эришмадик. Кореяга бундан 20—30 йил бурун келганингизда бутунлай бошқача манзарани кўрар эдингиз. Одамлар бир-биридан «Аҳволинг қалай», деб сўраш ўрнига, «Охирги марта қачон тўйиб овқат единг», деб қизиқар эдилар. Биз мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини нишонлаганимизда ҳам бугун сизлар эришган тараққиётга етмаган эдик. Сизлар эса атиги икки-уч йил ичида талай ютуқларга эришдингизлар.

Бу эътирофга изоҳнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман...

Ўзбекистон Президентига Корея сафарида Бош вазир ўринбосарлари Ў. Султонов, В. Чжен ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

**Қулман ОЧИЛ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент — Сеул — Тошкент.**

***

**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам билан; Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикаси Миллий мажлиси Раиси Хванг Пак Жу билан учрашуви.**

**А. ИЛЁСОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси 1995 йил 23 февраль куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари эртага, 22 февраль куни эрта билан соат 9 дан 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлар гуруҳлари вакилларининг йиғилиши эртага 22 февраль куни соат 17 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг кичик мажлислар залида бўлади.

*Қарор ва ижро*

# ХАРИДОРНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚМИ?

Инсоннинг табиати қизиқ. Айтайлик, унинг рўзғорида ун, совун, туз, гугурт каби кундалик эҳтиёж моллари етарли бўлсаю, эртадан бошлаб буларни яна меъёр билан оласиз, дейилса, ундан янада кўпроқ ғамлашга ҳаракат қилади. Оқибатда мувозанат бузилиб тақчиллик пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштиришни таъминлаш тўғрисида»ги қарори жойларда жорий этилгандан кейин юқоридаги кайфиятга барҳам берилди, аҳоли истаган пайтда рўзғорига керакли маҳсулотни ҳеч қандай чекловларсиз харид қилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилди. Кўпдан буён кутган орзуимиз рўёбга чиқаяпти: аксарият дўконларнинг пештахталари рўзғор учун зарур молларга тўлиб бормоқда. Албатта, бунга бир-икки кунда эришилгани йўқ. Энг муҳими, харидорларнинг бугунги кундан ҳам, эртадан ҳам кўнгли тўқ бўлишида. Агар шунга эришсак, бозор муносабатларига ўтишда муҳим қадам қўйилган бўлур эди.

Шуниси қувончлики, бу борада ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Илгари анқонинг уруғига айланган кир совун, ун, туз, гугурт каби маҳсулотлар исталган дўконда исталганча сотилмоқда, бундан одамларнинг кўнгли хотиржам бўлиб, ҳуда-беҳуда дўконларга югуришмаяпти, аввалги турна қатор навбатлар ҳам йўқ. Демак, иш тўғри ташкил этилса, ортиқча оворагарчиликка ҳожат қолмайди.

Буни биз пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Барока» жамоа савдо корхонасида кўрдиқ. Сотувда ҳамма нарса бор — йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Харидорларнинг мамнунлигини айтмайсизми? Ҳар ким ўзига керакли маҳсулотни бемалол харид қилаяпти.

— Мижозларимизга зарур молларни узлуксиз етказиб беришга баҳоли қудрат ҳаракат қилаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Саида Мираюбова камтарлик билан.

Савдо залини кўздан кечириб, сотувчилар ва харидорлар билан суҳбатлашиб бизнинг кайфиятимиз кўтарилиб кетди. Ахир биз — ҳаммамиз кўпдан бери шундай вақт келишини кутган эдик. Мана у — шоҳиди бўлиб турибмиз.

Шу кайфиятда Ҳамза туманидаги 32-дўконга кирдик. Бу ерда ҳам саккиз хил молнинг бари бор. Аммо харидор йўқ. Ажабо! Наҳотки, ёғ, шакар, совун каби тақчил моллар ҳеч кимга керак бўлмай қолган бўлса? Нимадир ғудраниб, тўрхалтасини бўш кўтариб қайтаётган мижозлардан бирини саволга тутдик.

— Харид қилмабсиз, шекилли, нимадан ранжидингиз?

— Кўрмаяпсизми буларнинг ғирромлигини? — деди мижоз тутақиб. Кейин пештахтага ишора қилиб давом этди. — Шакарнинг килоси 32 сўм, ёғ 50 сўм... Кимга керак бунақа мол? Нега арзон нархдагиси йўқ, деб талаб қилсанг: «Олсанг шу, олмасанг ана...» дея катта йўлни кўрсатишади.

Мижознинг ранжиганича бор экан: биз дўкон мудири Ҳожиакбар Раҳимжонов билан суҳбатлашганимизда февраль ойида дўконда атиги 1300 килограмм шакар, 1072 килограмм пахта ёғи сотилганини билдик. Ҳолбуки, талон билан берилган пайтда бу маҳсулотлар дўконга 2-3 баравар кўп келтирилган ва сотилган экан.

Жарқўрғон кўчасидаги 24-дўконда ҳам шундай манзара: савдода шакар, ёғ йўқ. Дўкон мудири ўринбосари Собит Зоиров кеча 300 кг. шакар олиб келингани ва у ўша заҳоти сотилиб кетганини айтди. Кеча сотилгани яхши, аммо бугунги харидорга унинг нима нафи бор? Уни кечаги гап билан тинчлантириш, юпатиш мумкинми? Бу саволларимиз жавобсиз, ҳавода муаллақ қолди. Билдикки, бу ерда шакар, ёғ каби маҳсулотлар онда-сонда пайдо бўлади. Шу боисдан бўлса керак, баъзи бировлар эски усулни қўмсаб юришибди.

Таъминот нега сусайиб кетган? Ахир савдонинг эркинлаштирилиши таъминотни сусайтириш дегани эмас-ку!? Чамаси, «Ҳамза» акционерлар жамияти (раҳбари Қ. Раҳимжонов) мутасаддилари, қолаверса туман ҳокимлиги бунинг моҳиятини англаб етмаганга ўхшайди.

Миробод тумани савдо ходимлари, хусусан «Тинчлик» акциядорлар жамияти мутасаддилари (раиси Ҳ. Қурбонов) қўшниларидан асло қолишмас экан. Биз 14-, 43-50-дўконларда бўлганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Уларнинг биронтасида ҳам на шакар, на пахта ёғини учратдик. Баъзи дўконларда соя ёғи, кунгабоқар ёғи борки, унга харидор қайрилиб ҳам қарамайди.

— Аҳён-аҳёнда 6-8 қоп шакар беришади, бу урвоқ ҳам бўлмайди, — дея ҳасрат қилди 14-дўкон директори ўринбосари Рая Пименова. — Илгари биз ҳар ойда 5200 килограмм шакар олиб, талон бўйича тарқатар эдик. Ҳозирчи?..

У фикрини тўлиқ айтмади. Бошлиқларига тегиб кетишдан чўчиди, чамаси. Начора, баъзилар ичидаги гапни ташқарига чиқармаса-да дўконлардаги аҳволнинг ўзи ҳамма гапни айтиб турибди. Биз «Тинчлик» акциядорлар жамияти раисининг ўринбосари Мурод Шариповга кўрган-кечирганларимизни, харидорларнинг ранжиётгани, таъминотнинг чатоқлигини баён этдик.

— Бошқарма нима берса, барини етказиб бераяпмиз, — деди у хотиржамлик билан.

Ўринбосардаги хотиржамлик, ўзибўларчилик кайфияти бизга ёқмади. Чунки бошқарманинг бераётгани етарли эмаслиги барчага аён. Дўконларда шакар ва ўсимлик ёғининг онда-сонда пайдо бўлаётганлиги шунинг оқибати-ку. Шундай экан, нега улар хотиржам, қўл қовуштириб ўтиришибди. Ҳокимлик нега жим? Қанд-шакар маҳсулотлари, ёғ топишнинг қўшимча манбаларини излаш шунчалик қийинми? Ахир бошқалар бу вазифани бинойидек эплашаяпти-ку! Бизнингча, эскича фикрлаш устун келган жойда баҳона ва рўкачлар кўпаяверади. Ташаббускорлик етишмаса осон иш ҳам қийин кўринаверади.

**Кузатишлар мобайнида савдони эркинлаштириш ўз самарасини бераётганига, озгина бўлсада, ишонч ҳосил қилдик. Агар илгари истаган турдаги маҳсулот топиладиган супермаркет дўконлар бармоқ билан саналган бўлса, эндиликда рисоладагидек ишлаётган савдо нуқталари кун сайин кўпаймоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорини изчил жорий этишга интилаётган жамоалар меҳнатда яхши натижаларга эришмоқдалар. Ишнинг кўзини билган савдо ходимлари фақат давлат таъминотига кўз тикиб ўтирмай пештахталарни турли хил моллар билан тўлдириш чораларини кўрмоқдалар. Эндиликда шундай муҳит яратиш керакки, ишлашни истамайдиган, қўл қовуштириб ўтирган ходимлар ўзларини ноқулай сезсинлар, ундайлар ўрнини ишчан, тадбиркор кишилар эгалласин.**

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**Норбобо ШАКАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.**

*Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIV пленуми олдидан*

# ҲАЁТ САБОҚЛАРИДАН ХУЛОСА

Ўзбекистон ХДП Муборак тумани кенгаши таркиби 41 та бошланғич ташкилотдан иборат бўлиб, 939 аъзони бирлаштирган. Улар партиямиз Дастури, Низоми, партиямиз Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Фармонлари, маъруза ва нутқларида баён этилган йўл-йўриқларни ҳаётга жорий этишда фаол қатнашяптилар.



Муборак газ конлари бошқармаси йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бошқарма бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Иван Келеш тумандаги ҳар бир ишимизда яқиндан ёрдам беряпти. Муборак газни қайта ишлаш заводи директори Нуриддин Зайниев ҳам фаолларимиздан. Улар «Ўзбекистон овози», вилоят ва туман газеталарини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Корхона ҳисобидан ўтган йили кўплаб ишчилар бепул обуна бўлдилар. Шунингдек, уларнинг хайру саховат борасидаги ишлари ҳам бир талай.

Туманимиздаги шу икки йирик корхона раҳбарларининг моддий ёрдами туфайли туманнинг «Машъал» футбол командаси биринчи лига командалари орасида Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритди. Бу муваффақият туманимиз ёшларини ниҳоятда руҳлантириб юборди.

Партия ташкилотимиз туманда муайян мавқега эга. Унинг сафи ҳалол, ёш, фаол ишчилар, зиёлилар ҳисобидан мустаҳкамланиб бормоқда. Муборак иссиқлик энергияси маркази ва газ конлари бошқармаси бошланғич ташкилотлари бу борада мақтовга лойиқ иш қилмоқдалар. Бир қийинчилик — жамоа-ширкат хўжаликлари ҳисоб рақамларида пул бўлмаганлиги сабабли партия аъзоларининг аъзоллик бадаллари ўз вақтида йиғилмаяпти. 10 та давлат хўжалигининг барчаси жамоа-ширкат хўжаликларига айлантирилди. Президентимиз Ислом Каримов жон куйдириб гапирганларича бор. Ҳали эски раҳбарлик усулларидан қутилиб бўлмаяпти. Бу эҳтимол, ўрта бўғин раҳбарларнинг, ишлаб чиқаришни бевосита бошқарувчиларнинг билим савияси, ташкилотчилик тажрибаси камлигидандир.

Чорвачиликни олсак, 11 та қорамолчилик фермаси ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Улар ўзларининг махсус ҳисоб рақамлари ва балансларига эга. Лекин уларнинг ҳам мустақил ишлашлари мушкул бўляпти. Бири ем-хашакни вақтида жамғармаган, бошқасида техника воситаси етишмайди. Натижада маҳсулот етиштириш камаяди, таннарх ошиб кетади. Бу аҳвол партия фаолларини ташвишга солмоқда. Туман ҳокимлиги билан бамаслаҳат умумий ишимизнинг равнақи учун ҳаракат қиляпмиз.

Ўтган йилги натижаларга назар ташлайдиган бўлсак, пахта ва ғалла етиштиришда қувонарли ютуқларга эришилди. Режадаги 26 минг тонна ўрнига 26 минг 676 тонна пахта сотилди. Ёки йиллик режа 102,6 фоизга уддаланди. Ғалла сотишда ҳам режалар ошириб бажарилди.

Туманимиз вилоятда газ ва нефтни қазиб чиқариш ҳамда қайта ишлашга ихтисослашган саноат туманларидан ҳисобланади. Муборак газ ишлаб чиқариш бошқармасининг меҳнат ютуғи ҳам чакки бўлмади. Буларни таъкидлашдан мақсад, бу ютуқларда ХДП аъзоларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Улар ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида самарали меҳнат қиляптилар.

Ҳозирги кунда мулкчиликнинг турли шакллари ҳаётимизга кириб бормоқда. Ўзининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаб олганлар яхши фаолият кўрсатяптилар. Бизнинг туманимизда шу кунгача 26 та кичик корхона ишлаб келаётган эди. Аммо, уларнинг 8 таси ўз ишларини давом эттира олмади. Нима дейсиз, бозор иқтисоди шароити ишбилармонлик билан уддабуронликни, елиб-югуришни ҳам талаб этади. Партиямиз фаоллари мулкчиликнинг янги шаклларига ўтиб ишлаётган хўжалик ва корхоналарда бўлиб, ўзларининг йўл-йўриқларини бериш билан бирга уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Шунингдек, 39 та деҳқон фермер хўжалигидан 33 таси яхши самара билан меҳнат қиляпти. Мустақил ишга ўрганган, чинакам тадбиркорлар элга катта наф келтираяптилар. Саховатда ҳам бошқаларга намуна бўлишяпти. Биз кўпроқ шундай кишиларга таянамиз. Зеро, қишлоқ аҳолисининг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш партиямиз ижтимоий сиёсатининг асосий вазифаларидан бири.

**Бобоқул НУРМАТОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Муборак тумани кенгашининг биринчи котиби.**

*ХДП ҳаётидан*

## ЁДГОРЛИКЛАР НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Фашизм устидан қозонилган ғалаба шарафига кўп жойларда турли ёдгорликлар ўрнатилган. Уларнинг бадиий савиясидан қатъи назар, бу ёдгорликлар қаҳрамон жангчиларимизга халқимиз кўрсатган буюк эҳтиром рамзидир. Сир эмас, кейинги йилларда турли сабабларга кўра бундай ёдгорликлар эътибордан четда қолмоқда.

Ўзбекистон ХДП Олтиариқ туман кенгаши котиблар кунини ўтказган йиғилишда шу масала кўтарилди. Бошланғич партия ташкилотлари котибларининг таклифи билан туман қишлоқлари марказларидаги, маҳаллалардаги уруш қурбонлари хотираларига ўрнатилган ёдгорликларни тартибга келтириш, таъмирлаш ва жиҳозлаш масъулиятини туман кенгаши ўз зиммасига олди. Бунинг учун ўша обидаларнинг ҳолати ўрганилиб, ёдгорликлар ўрнатилган қишлоқлар фуқаролар йиғинлари, хўжаликлар раҳбарларига мурожаат қилинди. Хўжаликлардаги бошланғич партия ташкилотларига шу масалага диққатни қаратиш, тегишли чораларни кўриш вазифаси топширилди. Ҳудудий партия ташкилотлари котибларига эса мактаблардаги «Шон-шуҳрат» хоналарининг аҳволини кўриб чиқиш, лозим бўлса таъмирлаш, замон талаблари асосида уларни бойитиш, уруш фахрийлари билан учрашувлар ташкил этиш каби тарбиявий ишлар олиб бориш топширилди. Шунингдек, туман «Давр овози» газетасида уруш қатнашчилари, фронт ортидаги қаҳрамонлар ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар бериб бориш режалаштирилди. Ҳа, олтиариқлик Халқ демократик партияси аъзолари фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қўлларидан келган барча ишларни қилмоқдалар.

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Партия ахбороти*

## СЕМИНАР-КЕНГАШЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тахтакўпир тумани кенгашида семинар-кенгаш ўтказилди. Унга саноат, транспорт, қурилиш корхоналари, барча хўжалик бошланғич ва йирик цех партия ташкилотлари котиблари таклиф қилинди. Иштирокчилар Ўзбекистон ХДП Низомига киритилган ўзгаришлар ва шу йўналишда олиб бориладиган ишлар юзасидан долзарб масалаларни муҳокама қилишди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон ХДП Тахтакўпир тумани кенгашининг биринчи котиби Омонгелди Матниёзов маърузаси тингланди. Йиғилганлар ўтган йилдаги ютуқ ва камчиликларга эътиборни қаратди. Партия аъзолигига қабул қилишда чуқур тушунтириш ишларини олиб бориш, фаолларни танлаш лозимлигига тўхталишди.

***

Шунингдек, Чироқчи тумани партия кенгаши ташаббуси билан котибларнинг ўқув — семинари бўлиб ўтди. Икки кун давом этган ўқув машғулотларида тумандаги маҳалла, хўжалик ва ташкилотларнинг бошланғич, ҳудудий партия ташкилоти котиблари иштирок этишди. Уларга ҳужжатлар билан ишлаш, режа асосида 1995 йилги вазифаларни ўз вақтида бажариш, партияга қабул масалалари юзасидан маълумотлар берилди.

Семинар қатнашчиларига жойларда Президент Фармонларининг ижросига бағишланган очиқ партия йиғилишлари ва тушунтириш ишларини олиб бориш вазифаси топширилди.

Иш қуролининг созлиги, кишини бошқаларга қараганда унумлироқ, ишлаганда ҳам кўнгилдагидек, дилдан чиқариб ишлашга даъват этади.

Сайхунобод туман, «Бирлашган» жамоа хўжалиги механизатори Бахтиёр Салибоев ўз техникасини ҳар гал мавсумда тўхтовсиз ишлатишга ҳаракат қилади. Шу боисдан у ўтган йил Сирдарё вилоятида энг яхши механик ҳайдовчи деб топилди. Натижада вилоят ҳокимияти томонидан рангли телевизор билан мукофотланди.

Бахтиёр айни кезда ўз қарамоғидаги техникасини тўла таъмирдан чиқарди. Бу йил ҳам у жамоа хўжалиги аъзоларининг оғирини енгил қилиш учун унумли меҳнат қилмоқчи.



Суратда: Б. Салибоев.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

*Хорижлик ишбилармон билан суҳбат*

## ҚУТЛУҒ УЙДАН ҚУТ АРИМАС

*Таниқли профессор, йирик ишбилармон ва сармоядор Соломон Будникнинг Тошкентга ташриф буюрганига уч ойдан ошди. Мақсади — Ўзбекистон билан амалий ва манфаатли ҳамкорлик кўприкларини ўрнатиш. У асли Кишинёв шаҳрида таваллуд топган. 1973 йилдан, яъни 25 ёшидан аввал Исроил, кейин Олмония ва АҚШда истиқомат қилади. Президентимизнинг ўтган йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони уни Тошкентга бошлаб келди.*

*Соломон Будник қатор давлатларнинг иқтисодий ривожланиш қонуниятларини муфассал ўрганган мутахассис. Юртбошимиз қай мамлакатга ташриф буюрмасин ёхуд йирик халқаро анжуманларда иштирок этмасин, албатта, машҳур компания ва фирмаларга, ишбилармонларга мурожаат қилиб, уларни ҳалол ва тенг ҳамкорлик қилишга чақиради. С. Будник шу чақириққа жавобан Ватанимиз тупроғига қадам қўйди. Унинг холис нияти иқтисодий ислоҳот давридаги бизнинг ниятларимиз билан муштаракдир.*

*Мухбиримиз С. Будник билан учрашиб, унга бир неча савол билан мурожаат этди.*

**— Айтингчи, сиз ишбилармон сифатида қандай йўлни босиб ўтдингиз?**

— Мен асли санъаткорман. Аммо, шуни ҳам биламанки, ишбилармонлик — бизнес ҳам санъат, ижод. Мен фақат моддий жиҳатдан эмас, балки маънавий жиҳатдан бойиш мақсадида ҳам ишбилармонлик йўлини танладим. Ўзимнинг ижодий, маънавий имкониятларимни синаб кўрдим. Биласизми, бу иш кишини маънавий камолотга элтади.

**— Сиз катта санъаткор ва йирик сармоядор экансиз, бу икки соҳа бир-биридан узоқ ва бир қарашда бир-бирини инкор этмайдими? Сиз қандай қилиб буларни умумлаштира олдингиз?**

— Мен гапни узоқдан, мусиқадан бошламоқчиман. Машҳур санъаткор Рудольф Штайнер мусиқа самовий товуш асосида пайдо бўлган, деб айтади. Бу улуғ машшоқнинг ижоди билан Швейцарияда танишганман. Ўз вақтида Кишинёв шаҳрида бўлиб ўтган чолғувчиларнинг минтақавий кўрик-танловида, Ленинград (Санкт-Петербург)да ўтказилган созандаларнинг Бутуниттифоқ танловида ғолиб бўлгандим. Исроил ва Олмониядаги олий ўқув юртларининг аспирантураларида ўқидим. Акустика (товушлар ҳақидаги фан) билан шуғулландим, ўзим скрипканинг янги шаклини яратдим, яъни бу чолғу асбобини мукаммаллаштирдим. Ўз имкониятларимни рангтасвирда ҳам синадим. Бу борада бир талай тажрибалар қилиб кўрдим. Қўшимча равишда иқтисодиёт, менеджментлик сирларини ўргандим. Кейинчалик бу икки йўналиш ҳаётимдаги асосий машғулотларга айланди. Шу соҳада Жанубий Кореяда профессорлик даражасига эришдим.

Страдивар сирларини очишга бағишланган ва инглиз тилида нашр этилган китобим санъат ва илмдаги фаолиятимнинг самарасидир. Бу китобни ёзиш учун жаҳоннинг йирик музейларида, жумладан, Оксфорд, Гонконг, Нью-Йоркдаги нуфузли кутубхоналар, хусусий ва давлат музейларида ишладим. Ўз ғоямни назарий ва амалий жиҳатдан асослаш йўлида ҳаётимнинг ўн йилини сарфладим. Шу китобдан сўнг, менинг ёзувчилик фаолиятим бошланиб кетди. Романлар, сценарийлар ёздим. Менинг сценарийларим асосида Жанубий Америкада, АҚШда фильмлар ишланди. Сан-Францискодаги кинокомпаниям асосида ўзим ҳам бир қатор фильмларни суратга олдим.

**— Шу тариқа сиз машҳур кинорежиссёр ва бизнесменга айланиб қолдингиз?**

— Америкада кинорежиссёр ҳам, продюссер ҳам банкир бўлиши керак. Бизнесдан бехабар киши у ерда иш юритолмайди, йўлини йўқотиб қўяди. Ўз ишимни пухта юритиш учун корпорация, банк, биржа ишини, патент ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқни ўргандим. Молекуляр акустика соҳасидаги билимимга суяниб, биотехнология бўйича патент олдим.

Шундан сўнг, АҚШнинг давлат даражасидаги сиёсий-молиявий ҳаётига қўшилиб кетдим. Мен Вашингтондаги Республика миллий Комитетнинг молиявий таъминот аъзосиман. Бу борада изланишлар олиб бордим. Биржалар ташкил этишнинг янгича механизмларини, янгича шаклларини ишлаб чиқдим. Бу дастурим Исроил Молия вазирлигига маъқул келди.

**— Халқаро миқёсдаги иқтисодиёт билимдони сифатида Ўзбекистон Республикасининг келажакдаги иқтисодий тараққиётини қандай тасаввур қиласиз?**

— Шубҳасиз, Ўзбекистон иқтисодиёти гуллаб-яшнайди. Чунки, бунинг учун қулай вазият — сиёсий барқарорлик бор, табиий ресурслар, илмий-техник имкониятлар етарли. Ривожланиш учун фақат иқтисодиётнинг умумий қонунларини ўрганишнинг ўзи камлик қилади. Ғарб иқтисодиётининг ҳозирги кўзга кўринмас механизмларини ҳам бевосита ўрганиш, молиявий ва биржавий моделларини пухта билиш, жаҳоннинг етакчи банкирлари билан алоқа ўрнатиш фойдадан холи эмас, деб ўйлайман.

Куни кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1994 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва уларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги ҳамда «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари айни муддао бўлди. Албатта хусусий тадбиркорликда иш олиб бораётганлар учун бу муҳим дастуриламалдир.

**— Сиз кўпдан буён Ўзбекистондасиз. Бу ерда олган таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз?**

— Ўзбекистоннинг халқи ҳам, табиати ҳам гўзал. Тошкент чиройли шаҳар, Самарқандда ҳам бўлдим. Хивага бориш ниятим бор. Энди бевосита мамлакатингизнинг иқтисодий ҳаётидан олган дастлабки таассуротларимни сўзласам. Хорижий ҳамкорлар билан ишлаш, уларни жалб этиш ва улар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш истаги кишини қувонтиради. Айни пайтда бу борада ҳали анча изланишлар олиб боришга тўғри келади. Умуман олганда, менимча Ўзбекистонда иқтисодиёт маҳаллий шароитларга мослаштирилган, шаклан ва мазмунан янгича лойиҳалар билан бойитилган, таҳлилий ишларни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

**— Ўзбекистонда ҳозир қандай режалар билан яшаяпсиз?**

— Илмий салоҳият ва ресурсларни мувофиқлаштириш, уюштириш учун ўз компаниямга иқтидорли маҳаллий иқтисодчиларни, банкирлар ва ҳуқуқшуносларни жалб этмоқчиман. Мақсадимиз — молиявий тармоқларни мувофиқлаштириш, банк — биржа тизимларини такомиллаштириш, турли даражаларда иқтисодий шартномалар тузиш, халқаро мезонлар талабига жавоб берувчи бизнес режаларимизни амалга ошириш, кредитларни манфаатли шартлар билан бериш, Ўзбекистон корхоналарининг акцияларини — қимматбаҳо қоғозларни чет элларга чиқариш.

**— Яна қандай ишларни амалга оширишни мўлжаллаяпсиз?**

— Чолғувчиларнинг халқаро танловини, модалар кўригини, кинофестиваллар, ишбилармонларнинг конгрессини, автомобиллар кўргазмасини ўтказмоқчимиз. Келгусида қўшма ва кичик корхоналар очиш истаги ҳам йўқ эмас. Хуллас, режаларим кўп. Уларни амалга ошириш учун имкониятлар етарли.

**— Эзгу ва савоб ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.**

— Раҳмат. Суҳбатимиз ниҳоясида бир тилак билдирмоқчи эдим. Ниятим, шу юртдан, шу қутлуғ уйдан ҳеч қачон қут-барака аримасин!

**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Эркин ЭСИРГАДИЕВ**
**суҳбатлашди.**

„Биз ким, мулки Турон"...

**АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ РЕЖАЛАРИ**

**БИШКЕК. Атроф - муҳит муҳофазаси Давлат қўмитасининг мутахассислари ва Жаҳон банки экспертлари «Атроф - муҳит муҳофазаси миллий режалари»ни тузишни ниҳоясига етказмоқдалар. Унда Қирғизистон давлатининг экология сиёсати асослари асосий мавзу қилиб олинмоқда ва бу соҳанинг муҳим юмушлари белгиланмоқда.**

**Ана шу мақсадда «Ўрмон» деб аталган дастур алоҳида аҳамият касб этади. Бу йил республиканинг собиқ колхоз ва совхозлари ерларида 20 миллион дарахт кўчати ва бута ўтқазилади.**

**ҚОТИЛЛИК**

**ДУШАНБЕ.** Ислом ақидапарастлигининг таниқли мухолифи, 38 ёшли мулло Садриддин Абдураҳимов ўлдирилди. У Душанбедаги ўз уйи яқинида тўппончадан отилган уч ўқдан ҳалок бўлган. Қотиллик сабаблари жиддий ўрганилмоқда.

**ЯНГИ БАНКНОТ МУОМАЛАГА ЧИҚДИ**

**АЛМАТИ. Қозоғистон миллий банки минг танга қийматидаги миллий валюта банкнотини муомалага чиқарди. Республика давлат статистика қўмитасининг маълумотларига қараганда, ўтган йилнинг декабрь ойида пул эмиссияси 5157 миллион тангани ташкил этган. Бу бир ой илгари муомалага чиқарилган пул ҳажмига нисбатан 8,2 марта кўп деганидир.**

**БЕЗАЛТДАН ТОЛА ОЛИНАДИ**

**БИШКЕК.** Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев мамлакатнинг ҳозирги тараққиёт босқичида миллий фаннинг амалий соҳаларини ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. У мамлакатдаги «Факел» ҳиссадорлик жамиятига ташриф буюрди. Бу ерда қирғиз олимлари безалтдан тола олиш технологиясини яратишга муваффақ бўлган эдилар. Тошдан олинган бу толадан халқ хўжалиги учун зарур бўлган турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин.

**ЖУРНАЛНИНГ БИР СОНИ ТЎҚҚИЗ ДОЛЛАР**

**БИШКЕК. Республикада энг қимматбаҳоли журнал — «Қирғизистон Республикаси банк хабарлари» журналининг дастлабки сони босмадан чиқарилди. Унинг баҳоси тўққиз доллар туради. Бу журнални яратувчилар Бишкекда жойлашган Миллий ва 18 та тижорат банки журнал саҳифаларида ҳар ойлик молия ишлари таҳлили, республика ҳудудида амал қилиб турган норматив ҳужжатлар, банк ва молия тезкор ахборотлари, халқаро ва молия институтларининг фаолиятига оид хабарлар босиб чиқаришни мўлжалламоқда. Бу журнал Марказий Осиёда банк ва молия соҳасидаги тўнғич нашрдир.**

**САЙЛОВГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК**

**ДУШАНБЕ.** Республикада шу йилнинг 26 февраль куни бўладиган Тожикистон Олий Мажлисига сайлов учун қизғин тайёргарлик бормоқда. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш тугалланди. 398 нафар номзод 189 депутат ўрни учун курашади. Депутатликка номзодларнинг 36 нафари сиёсий партиялар вакилларидир.

*Луқма*

## ЙЎЛМИ, КЎЛМИ?

Йўл азобини йўловчидан сўра, дейишади. Айниқса, чанг-тўзон, лойбалчиқ ёхуд ўнқир-чўнқир йўлдан юриш азоб. Ҳаммасидан ҳам қиш ойларида сира-сира йўлга чиқмаслик керак экан. Мабодо йўлга чиқсангиз иссиқ кийим-кечак билан бирга овчилар, ҳеч бўлмаса сувчилар киядиган резина этикдан кийиб олишни унутманг.

Гап шундаки, Навбаҳор туманидаги Қалқонота, Туркистон, Арабсарой, Дўл-дўл қишлоқларига йўлингиз тушса, ниҳоятда эҳтиёт бўлинг. Енгил машинада келсангиз ғилдирагидан, пиёда борсангиз калиш ва ботинкадан айрилишингиз ҳеч гапмас. Чунки, Янгиқўрғон — Дўл-дўл оралиғидаги қарийб 20 км. масофадаги йўл ёғин-сочинли, қировли кунларда кўлнинг ўзгинаси. Бунинг устига ёз ва куз ойларида қайта таъмирлаш баҳонасида ковлаб ташланган бинойидек асфальт йўлдан эндиликда юриб бўлмай қолди.

Йўл азобидан тоқати тоқ бўлган фуқаролар туман автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи У. Бозорбоевга бир неча бор арз қилдилар. Афсуски, ваъдалар ваъдалигича қолиб кетди. Нафақат Янгиқўрғон — Дўл-дўл йўли, балки «Зарафшон» жамоа хўжалигидаги «Хашман, «Гигант» жамоа хўжалигидаги «Оқ олтин», Навоий номли жамоа хўжалигидаги Арабхона қишлоқларидаги йўлларга ҳам қараб бўлмайди. Бу қишлоқ йўллари шу кеча-кундузда кўлнинг ўзгинаси...

Одамлар эса йўлларимизга қачон сон киркан, деб ўтиришибди. Вилоят раҳбарлари бир қиё боқиб қўйишса бўлармиди?

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## МАТБУОТГА ЭҲТИРОМ

Қўшработда туман газетаси чиқмай қолганига анча бўлган эди. Иштиёқ бўлса, имконият топилар экан. Яқинда «Истиқбол сари» рўзномасининг навбатдаги сони яна муштарийлар қўлига тегди.

— Туман ҳокимлиги бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади, маблағ, қоғоз топиб берди, — дейди муҳаррир Б. Мамарасулов. — Энг ўқишли, қизиқарли мавзуларда мақола ва хабарлар бера бошладик. Шу боис газетамизнинг навбатдаги сонлари муштарийлар ҳурматини қозонмоқда.

**Фармон ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Чорва қишлови — «Ўзбекистон овози» назоратида*

# СЕН МЕНГА, МЕН СЕНГА...

### НИМА УЧУН ҚОРАКЎЛЧИЛИК РИВОЖЛАНМАЯПТИ?

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида қўйларнинг зотини яхшилаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва мутахассисларнинг қоракўлчилар хизматини яхшилаш юзасидан анчагина ишлар қилинди. Шунга қарамасдан қоракўлчилик соҳасида талайгина камчиликлар, нуқсонлар бор.

Мухбиримиз Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қоракўлчилик бўлими бошқаруви раиси, Узбекистон ХДП аъзоси Садуакас УТЕБОЕВга шу хусусда бир неча савол билан мурожаат қилди:

— Ўтган йил қоракўлчилик тармоғида кутилган натижаларга эриша олмадик. Куз эрта тушди. Қиш кутилган ойлардан 1,5—2 ой олдин келди. Тайёрланган ем-хашакни олисдан яйловларга, адирларга етказиб бериш муаммо бўлиб қолди. Кучли автомашиналар ҳам юролмасдан қолди. Ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигидан бошланган ёмғир, дўл, қор 1994 йилнинг апрель ойигача давом этди. Яйловлар, йўллар музлади. Шунинг оқибатида Тахтакўпир туманидаги «Мулик», «Қунградкўл», «Жанадарё», Элликқаъа туманидаги «Бухонмерей» жамоа хўжаликларида 70 минг бошдан кўпроқ қўй нобуд бўлди. Натижада 890 тонна гўшт топширилмади. Транспорт ва маблағ етишмаганидан хўжаликларда 160 тонна жун қолиб кетди.

**— Хўп, ҳозир чорванинг аҳволи қандай?**

— Чорва қишловига биринчи навбатда ем-хашак базасини мустаҳкамлаш зарур. Буни ҳамма билади. Қишловга 29 минг 300 тонна хашак тайёрланди. 3 минг тонна аралаш озуқамиз бор. «Устюрт», «Бухонмерей», «Қизилқум» қоракўлчилик жамоа хўжаликларида чорва қишловига пухта, уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрган бир пайтда Қораўзак туманидаги «Нурим — Тубек», шунингдек «Мулик», «Кунгракўл», «Жанадарё» жамоа хўжаликларида тайёрланган хашаклар 60—74 фоиздан ошмади. Қўралар, бостирмалар ўз вақтида кўнгилдагидек таъмирланмади. Республикадаги қўйларнинг 65—70 фоизи Қизилқум ичкарисида, марказдан 150—220 чақирим олисда парвариш қилинади. Айни кунда чорва ўтловида 520 дан кўпроқ киши ишламоқда. Ем-хашакни ташиб беришда 133 та транспорт қатнашмоқда, 37 та хашак майдалайдиган агрегатлар ишлаб турибди. Ачинарлиси, ана шу транспорт ва техника воситаларининг ишлаганидан кўра бекор туриб қолаётгани кўп бўляпти. Чунки буларга эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги, ёнилғи-мойлаш материалларининг йўқлиги сабаб бўлмоқда.

Ҳозир республикамиз қоракўлчилик хўжаликларида 233 минг бошдан кўпроқ қўй бор. Шулардан 147 минг бошдан кўпроғи совлиқ. Бу йилги қўзилатиш мавсумида урғочи қўзиларнинг ҳаммасини сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз. 1800 тонна гўшт, 350 тонна жун тайёрлаймиз.

**— Яйловларда, фермаларда ишлаётган чўпонларга ва уларнинг оилаларига маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи қандай?**

— Чўпонларни қишки уст-бош кийимлар билан таъминлашда Қорақалпоғистон матлубот уюшмаси ходимлари яқиндан ёрдам беришмоқда. Улар чўпон-чўлиқларга пўстинлар, телпаклар, қишки этиклар ва бошқа иссиқ кийим-кечаклар етказиб бердилар. Айрим хўжаликларда кўчма автоҳаммомлар ишлаб турибди.

Бироқ, бу борада камчиликлар йўқ эмас. Керосин лампалар учун шишалар, қўл радиолари учун батареялар йўқ. Дори-дармонлар ҳам муаммолигича қолмоқда.

Қоракўлчилик чорвачиликнинг асосий таркиби экан, бу иш билан ҳамма шуғулланиши керак. Биринчи навбатда хўжалик раҳбари, ҳар бир туман ҳокими қоракўлчиликнинг бугунини эмас, унинг келажагини кўзлаб, аниқ режа асосида ишлаши керак.

Бизда қоракўлчилик нима учун ривожланмаяпти?

Бош сабаби, ҳар йили бир марта, айрим йилларда икки марта унинг раҳбарлари ўзгаради. Бир пайтлари республика қоракўлчилик тресги ёки республика қоракўлчилик бошқармаси бўлиб қайта тузилганди. Яна бир йили қайта тузилган қоракўлчилик тресги Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қўшиб юборилди. Ана шундай ўзгаришлар оқибатида қанчадан-қанча қўйлар чиқиндига чиқариб юборилди.

Иккинчидан, ҳар қандай шароитда ҳар бир хўжалик мустаҳкам ем-хашак базасини ўзи яратиши лозим.

Йўл қўйилган хато ва камчиликларга барҳам беряпмиз, деган қуруқ ваъда билан бирибиримизга суяниб, «Сен менга, мен сенга тегма» қабилида иш кўрилаётгани учун ҳам қоракўлчилик ривожланмаяпти. Ҳар бир хўжалик емни давлат етказиб беради, демасдан маккажўхори, оқ жўхори ва бошқа ем бўладиган экинларни экиб, мўл ҳосил олиш ҳақида қайғурмоғи лозим.

Яна бир томони, ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида хўжаликлардан жун, қоракўл тери ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш нархига келсак, у маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф қилинган харажатлардан кам. Шу ҳисобдан маҳсулотлар таннархи қимматга тушмоқда. Бу масала синчиклаб кўриб чиқилмас экан, қоракўлчилик хўжаликлари заифлигича қолаверади.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

